

10-мавзу: Аҳоли пунктлари ерларининг ҳуқуқий ҳолати (4-соат)

РЕЖА:

- 1. Аҳоли пункти ерлари тўғрисида тушунча ҳуқуқий ҳолати умумий тавсифи.**
- 2. Қишлоқ аҳоли пунктлари ерларини бошқариш.**
- 3. Шаҳарлар ва посёлкалар ерларининг бошқарилишининг асосий хусусиятлари. Шаҳар қурилиши ерларининг ҳуқуқий ҳолати.**
- 4. Шаҳар атрофи ва яшил муҳофаза минтақаларининг ҳуқуқий ҳолати**

10-мавзу.1-маъруза:
мавзу: Аҳоли пунктлари ерлари
тўғрисида тушунча ва ҳуқуқий ҳолати
умумий тавсифи

РЕЖА:

- 1. Аҳоли пунктлари тўғрисида тушунча ва уларнинг таснифи (классификацияси).**
- 2. Аҳоли пункти ерлари ҳуқуқий ҳолатининг умумий тавсифи.**

МАЪРУЗАНИНГ ТЕХНОЛОГИК ҲАРИТАСИ

Иш босқичлари	Фаолият турлари	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотиغا кириш 20 дақиқа	Гурухлар давомати назорат қилинади. Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот маъруза ахборот шаклида олиб борилиши маълум қилинади	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 50 дақиқа	2.1. Мавзу режаси асосий тушунчалар билан танишиб чиқиш таклиф этилади. 2.2. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади. Мавзуга жалб қилувчи саволлар берилади. 2..3. Мавзу режалари бўйича хулосалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари кераклиги ёдга солинади. 3. Мавзунинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида тезкор сўров ўтказилади. (1-илова)	Ўқийдилар Тинглайдилар, асосий маълумотларни дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар Талабалар жавоб берадилар
3 босқич Якуний босқич 10 дақиқа	3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади. (2-илова)	Тинглайдилар Топшириқни ёзиб оладилар

Маъруза машғулоти ўқитиш технологияси

<i>Талабалар сони : 101 нафар</i>	10-Мавзу, 1-маъруза 2 соат
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Ахборотли-маъруза
<i>Машғулотнинг режаси:</i>	<ol style="list-style-type: none">1. Аҳоли пунктлари тўғрисида тушунча ва уларнинг таснифи (классификацияси).2. Аҳоли пункти ерлари ҳуқуқий ҳолати умумий тавсифи.
<i>Машғулотнинг мақсади:</i>	Аҳоли пункти ерлари ҳуқуқий ҳолати тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
<ol style="list-style-type: none">1. Аҳоли пунктлари тўғрисида тушунчалар беради.2. Аҳоли пункти ерлари ҳуқуқий ҳолатининг умумий тавсифи тўғрисида тушунчаларни беради	<ol style="list-style-type: none">1. Аҳоли пункти ва уларнинг классификацияси тўғрисида тасаввурга эга бўлади.2. Аҳоли пункти ерлари ҳуқуқий ҳолати тўғрисида умумий тасаввурга эга бўлади.-
<i>Ўқитиш услуби ва техникаси</i>	Маъруза, савол-жавоб, мунозарали вазият усули
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, тарқатма материаллар ва проектор
<i>Ўқитиш шакли</i>	жамоавий
<i>Ўқитиш шарт- шароити</i>	Техник воситалар, компьютер билан жиҳозланган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат ва савол-жавоб

МАВЗУНИ МУСТАҚИЛ ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН ТАВСИЯ ҚИЛИНАЁТГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР

Асосий:

1. Ben McFarlane, Nicholas Hopkins. **Land Law**: Text, Cases, and Materials. OUP Oxford, 2012
2. М.Х. Рустамбоев ва бошқ. **Ер ҳуқуқи**. Дарслик – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2002. – 237
3. **Земельное право республики Узбекистан**. Учебник. Под. ред. М.Х. Рустамбаева. ҳуқуқи. Т.: ТДЮИ, 2007. -215 стр.
4. А. Нигматов. **Ер ҳуқуқи**. Ўқув қўлланма. – Тошкент.: “Ислом Университети”, 2001. – 191б.
5. А. Нигматов. **Земельное право**. Учебное пособие – Т.: “Ислом Университети”, 2001. – 189 б.
6. **Узоқова Г.Ш. Аҳоли пункти ерларидан фойдаланиш ҳуқуқи. Т.: ТДЮИ, 2006.-117 б.**
7. М. Mirzaabdullaeva, A. Muqimov, Z. Xafizova. **Yer huquqi**, O'quv qo'llanma. -Т.: TIMI, 2016.- 196 б
8. **Земельное право**: Учебник / С.А. Боголюбов, Э.А. Галиновская; Учебник./Под ред. С.А. Боголюбова – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004.-400 стр.

Қўшимча:

1. Ўзбекистон Республикасининг **Ер кодекси**, Ўзбекистон, Т.: 1998
2. Ўзбекистон Республикасининг **қонун ости ҳужжатлари**

Интернет ресурслари

1. [http:// www. cousera.org /](http://www.cousera.org/)
2. <http:// www, harvard.edu/>
3. [http://www, Ziyonet. Uz/.](http://www, Ziyonet. Uz/)

ЎТИЛГАН МАВЗУНИ ТАКРОРЛАШ БЎЙИЧА БЛИЦ САВОЛЛАР

- 1. Деҳқон хўжалиги тушунчаси нимани англатади?**
- 2. Фермер хўжалиги тушунчаси нимани англатади?**
- 3. Деҳқон ва фермер хўжалиги қандай тартибда ташкил этилади?**
- 4. Деҳқон ва фермер хўжаликларининг ер участкаларига ҳуқуқларининг бекор бўлишига сабаб бўладиган ҳуқуқий оқибатлар.**
- 5. Деҳқон ва фермер хўжаликларининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари бекор қилиниши учун асос бўладиган ҳолатлар қайси қонунчилик ҳужжатининг меъёрида ўрнатилган?**

Деҳқон ва фермер хўжалиklarининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини бекор бўлишига сабаб бўладиган ҳолатлар

Ҳуқуқларнинг бекор бўлишига сабаб бўладиган ҳуқуқий оқибатлар

эгалликдаги, ижарадаги ер участкаларини тегишли тартибда кайтариб бериш натижасида ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашнинг бекор бўлиши


деҳқон ва фермер хўжалиги фаолиятининг тўхтатилиши ва бошқалар

Дехқон ва фермер хўжаликларининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини бекор бўлишига сабаб бўладиган ҳолатлар

**Қонунчиликда
белгиланган
ҳуқуқларнинг бекор
бўлиш асослари ва
тартиби**

биринчи ҳолат-
қонуний асосларда вужудга
келган ҳуқуқларга

иккинчи ҳолат-
ноқонуний асосларда вужудга
келган ҳуқуқларга





1. АҲОЛИ ПУНКТЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ТУШУНЧАЛАР ТАВСИФИ

Аҳоли - ер юзида ёки унинг муайян ҳудуди, қитъа, мамлакат, туман, шаҳарда истиқомат қилувчи одам (инсон)лар мажмуи, ишлаб чиқариш ва барча ижтимоий муносабатларнинг асоси ва субъектидир.

Шаҳар маданий ва илмий марказ бўлиб, аҳолисинг сони, иқтисоди ва саноатининг ривожланганлиги, маданий, илмий ва ўқув масканларининг мавжудлигига қараб фарқланади.

Посёлка эса маъмурий-ҳудудий бирлик, шаҳар чизиғидан ташқарида жойлашган аҳоли пункти (шаҳар типигаги посёлка) ҳисобланади.

Шаҳарча туркумига саноат корхоналари, қурилишлар, темир йўл станциялари ва бошқа муҳим объектлар яқинида жойлашган аҳоли пунктлари киритилиши мумкин.

Қишлоқ – шаҳар ҳудудига кирмайдиган, маълум аҳоли сонига эга бўлган, қишлоқ марказлари ва маълум саноат объектлари атрофида истиқомат қилувчи аҳолининг яшаш жойларидир.

Овул эса уларга нисбатан кичикроқ ҳажмдаги яшаш ва тураётган жойлардан иборат аҳоли пунктларидир.

Пункт деганда бирор жиҳатдан ажралиб турадиган, муайян мақсадларга мўлжалланган жой тушунилади.

Шахар
тушунчаси
нимани
англатади?

Шахар деганда аҳолиси асосан саноат ва савдо, шунингдек хизмат кўрсатиш, бошқарув, фан, маданият соҳаларида банд бўлган энг катта аҳоли пунктлари тан олинади. Шахарлар умумий қоидага биноан туман, вилоятларнинг маъмурий ва маданий марказлари ҳисобланадилар. Уларнинг характерли хусусияти аҳолининг зич жойлашганлиги ва қурилишларнинг компактлигидир. Шахар жамият ҳаётида кўп жиҳатдан ижтимоий организм, мураккаб иқтисодий-географик, архитектура ва қурилиш, шунингдек маданий мажмуалашган сифатида бўлади


Шахар
типидаги
посёлка
тушунчаси
нимани
англатади?

Шахар типдаги посёлка - бу шахарга ўхшаб кетадиган, лекин унга нисбатан кичикроқ миқдордалиги билан фарқ қиладиган аҳоли пунктидир. Агар шахар типдаги посёлкаларнинг майдони кенгайтирилса, уларни шахар типдаги аҳоли пунктига айлантириш мумкин. Шахар типдаги посёлкалар аҳоли пунктлари тизимида шахар аҳоли пункти билан қишлоқ аҳоли пункти ўртасида ўзига хос оралиқ ўринни эгаллайди. Шахар типдаги посёлкаларда шахар аҳоли пунктларига ҳам, қишлоқ аҳоли пунктларига ҳам хос бўлган белгилар учрайди

**Қишлоқ аҳоли
пункти** тушунчаси
нимани англатади?

Қишлоқ аҳоли пунктларида меҳнатга
лаёқатли аҳолининг асосий қисми қишлоқ
хўжалиги ижтимоий ишлаб чиқаришида
қатнашади. Шундай қишлоқ аҳоли
пунктларида саноат, транспорт ва бошқа
корхоналар жойлашган бўлиши мумкин, аммо
улардаги ишчи ва хизматчилар кўпчиликни
ташкил этмайдилар.

Аҳоли пунктларининг шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларига бўлиниши тарихан ижтимоий меҳнат тақсимооти билан боғлиқдир, яъни уларни тоифаларга чегаралайдиган асосий белгиси улар аҳолисининг моддий ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларидаги иштироки ҳисобланади. Шаҳар ва қишлоқлар ўртасида муайян фарқлар мавжуд бўлиб, улар тарихан юз берган ижтимоий меҳнат тақсимооти жараёнида вужудга келган. Ҳозирги кунда қишлоқлар ва шаҳарлар аҳоли пунктлари фарқланишига сабаб бўлувчи бир қатор ҳолатларни кўрсатиш мумкин.



катта
аҳоли
пункти

йирик
аҳоли
пункти

Энг
йирик
аҳоли
пункти

йирик
аҳоли
пункти-

Қишлоқ
аҳоли
пунклари

Аҳоли
пунктларини
аҳоли сони
бўйича
табақаланиши

Шаҳар ва
посёлкалар

катта
аҳоли
пункти

ўртача
аҳоли
пункти

кичик
аҳоли
пункти

кичик
аҳоли
пункти

ўртача
аҳоли
пункти

1. АҲОЛИ ПУНКТЛАРИ ТАСНИФИ

Ўзбекистон Республикасининг 2002 й.04.04.да қабул қилинган
Шахарсозлик кодексининг 9-моддасига асосан.

Аҳоли сонига қараб шаҳар аҳоли пунктлари қуйидагиларга бўлинади:

- * **энг йирик аҳоли пункти** - аҳолисининг сони бир миллиондан ортиқ кишидан иборат;
- * **йирик аҳоли пункти**- аҳолисининг сони икки юз эллик мингдан бир миллионгача кишидан иборат;
- * **катта аҳоли пункти** - аҳолисининг сони юз мингдан икки юз эллик минггача кишидан иборат;
- * **ўртача аҳоли пункти** - аҳолисининг сони эллик мингдан юз минггача кишидан иборат;
- * **кичик аҳоли пункти** - аҳолисининг сони эллик минггача кишидан иборат.

Аҳоли сонига қараб қишлоқ аҳоли пунктлари қуйидагиларга бўлинади:

- * **йирик аҳоли пункти** - аҳолисининг сони беш мингдан ортиқ кишидан иборат;
- * **катта аҳоли пункти** - аҳолисининг сони уч мингдан беш минггача кишидан иборат;
- * **ўртача аҳоли пункти** - аҳолисининг сони бир мингдан уч минггача кишидан иборат;
- * **кичик аҳоли пункти** - аҳолисининг сони бир минггача кишидан иборат.

Қишлоқлар ва шаҳарлар аҳоли пунктлари фарқланишига сабаб бўлувчи ҳолатлар

шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг сони

шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг касб фаолияти

аҳоли пунктларининг катта-кичиклиги

турли табиат объектларига яқинлик даражаси

**аҳолига ижтимоий-сиёсий, маданий-маиший
хизмат кўрсатиш даражаси**

аҳоли пунктларини бошқаришдаги ҳусусиятлар

**Шахар ва қишлоқ аҳоли
пунктлари ҳуқуқий
ҳолатидаги мавжуд
фарқлар**


шахар аҳоли
пунктлари
мустақил
маъмурий-
худудий
бирлик

давлат
тузилишининг
маъмурий-
худудий
тизимида энг
қуйи бирлик

Шахар аҳоли
пунктларига
шахар ерлари
бириктирил
ган

Қишлоқ аҳоли
пунктлари
қишлоқ
хўжалиги
корхоналари
ерларида
жойлашади

2. АҲОЛИ ПУНКТИ ЕРЛАРИ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ



**Аҳоли пунктлари
ерлари
тушунчаси**

тасдиқланган шаҳарсозлик ва ер тузиш ҳужжатлари асосида чегаралари белгиланган аҳоли яшайдиган, саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа иншоотлар жойлашган шаҳар, посёлка, қишлоқларнинг ташқи чегаралари доирасидаги ерлар

Аҳоли пунктлари ерларининг вилоятлар кесимида тақсимланиши

№	Республика, вилоят ва ноҳияларнинг исми	Ҳудудий аҳоли пунктлари		Шаҳар аҳоли пунктлари		Қўшма ҳудуд аҳоли пунктлари		Қўшма аҳоли пунктлари		Шаҳар аҳоли пунктлари		Тотал аҳоли пунктлари	Қўшма аҳоли пунктлари		Шаҳар аҳоли пунктлари		Ҳудуд аҳоли пунктлари	Шаҳар аҳоли пунктлари
		Шаҳар	Қўшма ҳудуд	Шаҳар	Қўшма ҳудуд	Шаҳар	Қўшма ҳудуд	Шаҳар	Қўшма ҳудуд	Шаҳар	Қўшма ҳудуд		Шаҳар	Қўшма ҳудуд				
1	Қўшма вилоят Республикаси	18,2	5,0							5,1		11,7						19,4
2	Алтай вилояти	11,8	4,6									4,7	0,2	0,2				4,9
3	Бухара вилояти	7,7	0,7			0,1	0,1			0,1	0,1	1,3	0,1					6,2
4	Жамбул вилояти	18,2	2							0,4	0,4	1	0,1					6,7
5	Қашқадарь вилояти	11,5	4	0,5	0,5	0,2	0,2			0,3	1	0,7	5	0,2	0,1	0,5	0,3	5
6	Наманган вилояти	15,7	0,7			0,1				4,2	4,3	1,3						18,1
7	Намangan вилояти	19,6	0,1	0,2	0,2	0,4	0,4			0,1	0,7	0,4		0,1				0,5
8	Самарқанд вилояти	19,6	4,7			0,1	0,1			0,9	1	0,1	0,4	0,2	0,1	0,1	0,1	11,9
9	Сурхондарё вилояти	10,9	2,5			0,1	0,1				0,1	0,1	1,6					7,2
10	Сурхондарё вилояти	0,1	2,1									1,9	0,0	0,8	0,1	0,1		5,3
11	Ташкент вилояти	37,3	6,6	0,2	0,2					1,3	1,5	0,2	8	0,0	0,3			27,8
12	Фарғона вилояти	16,9	6,2			0,1	0,1				0,1	0,1	0,8	0,3	0,3	0,1	0,1	9,6
13	Хоразм вилояти	6,8	1,5									2,3	0,1	0,1				4
14	Тошкент вилояти	0,9	1,7									0,9						2
	Жами:	221,4	51	0,9	0,9	1,1	1			12,3	14,3	1,9	74,3	2,8	2	0,6	0,6	129,4

Аҳоли пунктлари ерлари ҳуқуқий ҳолати

Ер, Шаҳарсозлик ва Уй –жой кодекслари

Аҳоли пункти ерлари ҳуқуқий ҳолати тўғрисида тушунчага эга бўлиш учун аҳоли пунктларининг турлари, аҳоли пункти ерларининг таркиби, бу ерлардан фойдаланиш тартиби, фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, бу тоифа ерларни боршқаришнинг ўзига хос хусусиятлари каби масалалар бўйича тушунчага эга бўлиш лозим бўлади.

Аҳоли пунктларининг ерлари мамлакатимиз ер фонди таркибида мустақил тоифани ташкил этади. 2019 йининг 1 январ ҳолатига кўра ушбу тоифа ерларининг майдони **221.4** минг гектарни, ёки жами фойдаланиладиган ерларнинг **0.49** фоизини ташкил этади. Бугунги кунда республикаимизда **120 та шаҳар, 114 та шаҳар типдаги посёлка ва 1500** тадан зиёд қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд

Аҳоли пунктлари ерлари ҳуқуқий ҳолатидаги хусусиятлар

Ер, Шахарсозлик ва Уй –жой кодекслари

Маъмурий-ҳудудий бирлик сифатида шаҳар аҳоли пунктлари ўз ҳокимлиги тимсолида ўз бюджети, ўз хўжалигига эга бўлиб, фақат маъмурий эмас, балки иқтисодий мустақилликка ҳам эга бўладилар. Қишлоқ аҳоли пунктларининг ҳуқуқий ҳолати бутунлай бошқача бўлиб, уларнинг ўз бюджети ҳам, хўжалиги ҳам бўлмайди.

Аҳоли пункти ерларининг ҳуқуқий ҳолати бир хил бўлмайди. Бир қатор умумийлик шаҳар ва посёлка ерлари ҳуқуқий ҳолатида бўлиши мумкин. Қишлоқ аҳоли пунктлари ерлари аксинча ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, улар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан яқиндан боғлиқ бўлади.

Аҳоли пункти ерларининг ҳуқуқий ҳолатида бошқарув жиҳатдан ҳам фарқлар бўлади. Шаҳар аҳоли пунктларининг ерлари туман, шаҳар ҳокимлиги томонидан бошқарилса, қишлоқ аҳоли пунктларининг ерлари туман ҳокимлиги томонидан ҳам, қишлоқ хўжалик корхоналари бошқарув органлари томонидан ҳам бошқарилади.

МАВЗУНИ ТАКРОРЛАШ БЎЙИЧА БЛИЦ САВОЛЛАР

- 1. Аҳоли пункти ерлари тушунчаси нимани англатади?**
- 2. Аҳоли пункти ерлари ҳуқуқий ҳолати тушунчаси нимани англатади?**
- 3. Аҳоли пункти ерлари ҳуқуқий ҳолати қайси норматив ҳужжатлар асосида тартибга солинади?**
- 4. Республикамизда аҳоли пунктларининг қандай ҳилдаги кўринишлари мавжуд?**
- 5. Шахар ва қишлоқ ўртасида қандай фарқлар мавжуд?**
- 6. Ҳаракатлар стратегиясидан ўрин олган 4.3 бандидаги арзон уй-жойлар қуриш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш борасида келгуси йилларда қандай ишлар амалга оширилмоқда?**